

Гулбаев Неъматулла Абдукаримович
Тошкент давлат аграр университети доценти
Марцинковская Алина Викторовна
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙЎНАЛИШИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ
(ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
ФАНИ МИСОЛИДА)**

Аннотация: *Мақолада замонавий маърузаларни ташкил этиши, олий таълимда маърузаларнинг юзага келиш тарихи, замонавий маърузаларнинг қишлоқ хўжалиги йўналиши олий таълим муассасасининг “Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари” фани мисолида таълим тизимидаги ўрни, фанлар бўйича маъруза турлари ва маърузаларни ташкил этиш шакли ва технологияси келтирилган.*

Калит сўзлар: *фан, таълим, маъруза машғулоти, технология, тизим, жараён, ўқитувчи, талаба, педагогик технология.*

Gulbaev Nematulla Abdulkarimovich
Associate Professor of Tashkent State Agrarian University
Martsinkovskaya Alina Viktorovna
Teacher of Tashkent State Agrarian University

**ORGANIZING LECTURES IN HIGHER EDUCATION
INSTITUTIONS IN AGRICULTURE
(IN THE EXAMPLE OF THE SCIENCE OF "TRANSFORMATION
TECHNOLOGIES IN AGRICULTURE")**

Abstract: *The article presents the organization of modern lectures, the history of the emergence of lectures in higher education, the role of modern lectures in the agricultural direction of the higher educational institution "Information Technologies in Agriculture" in the educational system, the types of lectures by subjects and the form and technology of organizing lectures.*

Key words: *science, education, lecture training, technology, system, process, teacher, student, pedagogical technology.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг


“Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар” бўлимининг “Фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш ва ўқув юкларини мақбуллаштириш” номли мақсад режасида белгиланган “... ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар ҳамда мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш ...” дек ўта муҳим вазифалар таълим тизимини юқори сифат даражасида ташкил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Олий таълимда маърузаларнинг юзага келиш тарихига эътибор қаратсак, биринчи Европа университетларидан бошланган бўлиб, маърузалар ўқитишнинг асосий бир шакли сифатида юзага келди ва педагогик олий таълим тизимида ҳам ўқитишнинг етакчи шакли сифатида ўқув жараёнида қўлланила бошланган. Маърузалар талабаларга ўқув адабиётлари устида мустақил ишлашга йўналтирувчи машғулот тури сифатида ҳам қарашимиз мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки ахборот–коммуникация технологиялари ва Интернетнинг олий педагогик таълим соҳасига кенг

кириб келиши таълим хизматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очмоқда. Ривожланган давлатлар таълим соҳасида бўлаётган бундай ижобий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда олий таълим таълим сифатини юксалтириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан оммавий равишда кенг фойдаланиш давр талабага айланиб бормоқда.

Таълим жараёни сифатига таъсир этувчи омиллар мавжуд. 1 – расм.



1-расм. Таълим жараёни сифати омиллари

Олий таълимда ўқитишнинг ташкилий формаси деб таълим жараёнида талаба билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқати тушунилади.

Ҳозирги кунда маърузанинг шакли ва услублари ўзгариши замон талаби. Олий таълим муассасаларида маърузалар ўқитишнинг аниқ бир шакли сифатида юзага келгандан ҳозирги кунга қадар ўз моҳиятини замон талабларига мос ҳолда ўзгартириб келган ва қуйидаги кўринишларга эга бўлган.

Маъруза:

- чиройли нутқ санъати, ораторлик қобилияти сифатида;

- ахборотни тўғридан-тўғри узатувчи ўқитиш шакли;
- ахборотни умумлаштирувчи ва муаллифлик талқини

(интерпрентацияси);

- диалог кўринишида ўқув машғулоти;
- муаммони ўқув шаклида ёритади;
- ижтимоий ҳодиса сифатида.

Таълимда янги инновацион педагогик технологиялар ва замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланилаётган бир вақтда таълимнинг ташкилий шакллари қандай бўлиши лозим?. Бундай шароитда маърузалар қандай ўрин тутади? Олий таълимда ўқитишнинг ташкилий формаси деб таълим жараёнида ўқувчи билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқати тушунилади.

Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида маърузага ўқув жараёнида етакчи ўрин берилган ва фан учун ажратилган ўқув юкламасининг деярли 1/2 ёки 1/3 қисми маъруза машғулотлари учун ажратилган. Шунингдек, бугунги кунда таълим жараёнида маърузанинг ўрни ва шакли маълум даражада турли хил баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги йўналиши олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкилий формаси маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил ишлари ва турли амалиётлардан ташкил топган. Жумладан, жорий йилда қишлоқ хўжалиги йўналиши олий таълимида “Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари” фани барча таълим йўналишларида 24 соат маъруза, 24 соат амалий ва 72 соат талабаларнинг мустақил иши схемаси асосида ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги олий таълим ташкилий шаклларининг ташкил этувчи элементлари номи қандай янги шакл олмасин, барибир асосий элементлар бўлиб маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, семинарлар, мустақил ишлар ва амалиётлар бўлиб қолмоқда ва булар ичида маъруза талабаларни назарий билим олишларида, амалий

кўникмалар ҳамда малакаларини шакллантиришларида муҳим ўрин тутмоқда.

Маъруза машғулотларини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратишимиз лозим. 2-расм. Расмда кўрсатилганидек, маърузанинг ўтилиш кетма-кетлигига эътибор берсак, биринчи маърузани ўтишда фаннинг ўзидан аввал ўтилган бошқа фанлар билан боғлиқлик интеграциясига катта эътибор берилади. Иккинчи ва бошқа маърузаларда маърузалар аро боғланишга эътибор берилган. Охирги маъруза яқунланувчи маъруза ҳисобланиб, олинган билимларнинг кейинги босқич фанларидаги ўрни ва олий таълимни яқунлагач хизмат фаолиятларида керак бўладиган нуқталарга эътибор бериш назарда тутилган.

Маърузанинг қишлоқ хўжалиги йўналишдаги олий таълим жараёнида етакчи ўрнини қуйидгилардан англашимиз мумкин:

- мавзу бўйича тизимли таҳлиллар бериш талаб этилган ҳолларда кўпроқ мақсадга мувофиқ машғулот шакли бўлиб ҳисобланади;



2 - расм. Маъруза машғулоти ташкил этиш алгоритми

- талабаларни илмий иш жараёнига, илмий фаолият билан шуғулланишга йўналтирувчи машғулот шаклидир; янги мавзуга ёки мавзунинг янги бўлимига ўтишда талабалар диққатини фаоллаштиришнинг самарали услуби ҳисобланади;

- олинган билимлардан фойдаланиш эҳтиёжини шакллантиради;
- айниқса, кейинги гуруҳий машғулотларга тайёрланишда, курс ёки бўлим бошида қисқа кириш шаклида олиб борилса янада кўпроқ самара беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кундаги мавжуд ахборотлар маконида маълумотларнинг жуда кўплиги сабабли айнан маъруза талабаларга тўғри йўл кўрсата олади, керакли ва зарур материалларни олишларига ёрдам беради, маърузаларнинг турли кўринишлардаги шакллари таълим жараёнида ўзига хос йўналиш касб

этиб, талабада билишнинг анъанавий мантикий кетма-кетлигини (қабул қилиш, тушуниш, уқиш, фикрлаш, қайта ишлаш, мустаҳкамлаш) ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли, олий таълимда ўқиладиган маърузаларнинг сифати таълим сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон.

2. О.Д.Рахимов, М.Сапаев, Назаров Б.Ф. Олий таълимда замонавий маърузалар. Услубий кўлланма. Қарши-2012й., 68 бет

3. С.Қ.Турсунов, И.У.Назаров Таълимда ахборот технологиялари. Педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. Т.:”Адабиёт учқунлари”, 2019 йил.

4. Н.А.Гулбаев, Педагогик олий таълимда “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг ўрни. Pedagog respublika ilmiy jurnali. 6 – tom 6 – son / 2023 - yil / 15 – iyun.

5. Н.А.Гулбаев, М.Х.Халметова “ Ақлли энергетика тизимини бошқаришда моделлаштиришнинг ўрни (*электр тармоқлари мисолида*)”. *Монография*. “Lesson Press” МЧЖ Нашриёти. Тошкент 2022 й.